

“Navoiyazot” Акциядорлик Жамиятида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларни вақтинчалик сақлаш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузишда тадбиркорлик субъектлари ва бошқа талабгор корхоналар ўртасида тенг рақобатбардошлик жараёнини холис ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жамият томонидан ишлаб чиқарилган минерал ўғитларни сақлашга мўлжалланган ваколатли омборларни ташкил этиш танлов асосида ўтказилишини эълон қилади.

Минерал ўғитларни сақлаш учун техник ва хавфсизлик талабларига тўла жавоб берадиган ваколатли омборларни ҳамда уни ташкил этувчи муносиб талабгорларни танлаб олиш танлов асосида махсус тартибга асосан амалга оширилади ва қўйидаги талабларни эълон қилади:

ВАКОЛАТЛИ ОМБОРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1. Ваколатли омборларни ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектлар қўйидаги талабларга жавоб бериш керак:

- Юридик шахс мақомига эга;
- Ўзбекистон Республикасида жойлашган;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, соғлом молиявий фаолиятга эга бўлган, ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мустақил балансига ёки сметасига эга бўлган ташкилот.

2. Танлов талабгорлардан келиб тушган таклифлар асосида амалга оширилади.

3. Учинчи шахсга тегишли бўлган омборхоналардан фойдаланган ҳолда ваколатли омбор, банк кафолати ёки бошқа ликвидли қийматга эга кафолат билан таъминланган ҳолда ташкил қилиш мумкин.

4. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ваколатли омбор ташкил қилиш бўйича ариза топшириши мумкин.

ВАКОЛАТЛИ ОМБОР ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

1. Юридик шахс номидан танловда иштирок этиш учун корхона раҳбарининг номидан ариза (эркин шаклда, ташкилот бланкида).

2. Омбор тури, ҳажми, сигими (кадастр ҳужжатларидан нусха);

3. Омбор ҳамда қўйиладиган мол-мулкнинг (агар кўчмас мулк бўладиган бўлса) бузилишга тушмаганлиги тўғрисида тегишли ташкилотдан маълумотнома.

4. Омборнинг темир йўл излари билан таъминланганлиги (ёки омбор ҳудудидан 5 км узоқликкача мавжуд бўлган темир йўл изи) ва унинг техник созлиги тўғрисида маълумотнома (Темир йўл бошқармасидан ёки темир йўл станциясидан).

5. Талабгор-юридик шахс бўйича маълумотлар:

- корхона/ташкилотнинг тўлиқ ва қисқартирилган юридик номи;

- юридик ва ҳақиқий манзили;

- низом нусхаси, таъсисчилар шартномаси, гувоҳнома нусхаси;

- ташкилот/корхона раҳбарининг паспорт нусхаси, ишга тайинлаш баённомаси ва буйруқ нусхаси.

6. Туман/шаҳар солиқ бўлимларидан маълумотнома (бюджетдан ва ер солиғидан, мулк солиғидан қарздорлиги).

7. Хизмат кўрсатувчи банкдан маълумотнома (мавжуд инкассо, ҳисоб-рақамлар тўғрисида).

8. Гаровга қўйиладиган мол-мулк кадастр ҳужжатлари, уни баҳолаш ҳисоботидан нусха (ташкилотнинг мол-мулкни гаровга қўйиш бўйича ҳамда танловда иштирок этиш юзасидан таъсисчиларнинг йиғилиш баёни нусхаси *(танлаб олинган юридик шахс томонидан гаровга қўйилаётган моддий бойликлар нотариал тартибда тасдиқланади)*).

- гаровга қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати, омборхона маҳсулот сигимидан келиб чиқиб, ортिलाдиган маҳсулот суммасидан кам бўлмаслиги талаб этилади.

9. Суғурта шартномаси (нухаси) ва суғурта полиси (асли).

10. Кузатув камераларининг жойлашув харитаси, электрон ёки механик юк автотарозиларининг жойлашув харитаси ва интернет тармоғига уланганлик тўғрисидаги шартнома нухаси.

11. Калькуляция (расшифровка) 1 (бир) тн махсулотни корхонадан қабул қилиш, сақлаш (муддатидан қатъий назар), ортиш хизмати учун.

12. Танлов ғолибларига сақлаш шартномаси расмийлаштирилади аъмал қилиш муддати 3 йил бўлиб, лозим бўлган тақдирда қўшимча шартнома орқали яъни 1 йилга узайтирилади.

ВАКОЛАТЛИ ОМБОРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Омборнинг сақлаш режими, биринчидан, махсулотларнинг сақлаш шароитига қараб, иккинчидан, омборда бажариладиган қўшимча вазифаларга кўра омборларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- омбор тури: (темир бетон, пишган ғишт (бетон блок), металл конструкция, сэндвич-панел, пол қопламалари бетон ёки асфальт), ҳажми, сифими 5000 тн 2000 кв.м дан, баландлиги 4 метрдан кам бўлмаслиги ҳамда омборхонанинг олд **ва орқа** томонларидан дарвозалар бўлиши талаб этилади (ҳом ғишрдан, паҳса девордан қурилган омборлар танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди);

- омборнинг ҳудуди ва периметр атрофи ёритиш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши;

- омборхоналарнинг заҳира чиқиш (эвакуация) эшиклари бўлиши;

- омбор, биноларга автоматик ёнғинга қарши сигнализацияси ўрнатилганлиги;

- омбор, бино (иншоотлар) ва ҳудудларни ёнғинга қарши қалқонлар билан жиҳозланганлиги;

- омбор ҳудудида ҳужжатлаштириш ишлари учун алоҳида бино (хона)нинг мавжудлиги;

- кечаю-кундуз қўриқлаш учун шароитнинг мавжудлиги;

- омборларнинг ички ва ташқи ҳудуди, кириш-чиқиш ва ҳудуд периметри бўйича (4 Мп кам бўлмаган Hikvision фирмасига мансуб ИП-камералари ўрнатилганлиги ҳамда умумий ахборот тизимни интеграциялаш учун камида 4 Гб ёзув ва 4 ёзув нуқталарига эга видео регистратор) жиҳозланганлиги;

- онлайн тарзда интернет тармоғига уланган компьютер техникалар ва электрон юк автотарозилари билан таъминланганлиги;

- узлуксиз электр энергия таъминоти билан таъминланганлиги;

- кечаю-кундуз қўриқлаш учун шароитнинг мавжудлиги.

Эслатма: "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" ўртасида онлайн ахборот алмашинувини таъминлаш учун камида **6 Мбит/с** тезликка эга оптик толали интернет тармоғига уланиш ва **"EZVIZ"** платформаси рўйхатидан ўтиш тавсия этилади.

- гаров миқдори **15 млрд** дан кам бўлмаган, кўчмас мулк (**квартирадан ташқари**) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган нақд пул шаклидаги моддий бойликлар.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган хўжалик субъектлари, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни қуйидаги электрон почта манзилига юборишларини сўраймиз:

Маълумот олиш учун:

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри - 5

Телефон: +998 93 849 55 55

e-mail: sale4@navoivazot.uz